

**МАВЗУ: Ўзбекистон
Республикасида ташқи
иктисодий фаолиятни хорижий
инвестициялар ёрдамида
ривожлантириш масалалари**

Муаллиф: Намозов Жўрабек

МАВЗУ: Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятни хорижий инвестициялар ёрдамида ривожлантириш масалалари

Режа:

- 1. Мамлакатимизнинг экспортга йўналтирилган иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари.**
- 2. Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш концепцияси.**
- 3. Миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишни такомиллаштириш йўллари.**

1. Мамлакатимизнинг экспортга йўналтирилган иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари

Мамлакатимизнинг экспортга йўналтирилган иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий афзалликлари қуидагилардан иборат:

- минерал хом-ашё кўп турларининг бой саноатбоп тури;
- кўпгина қишлоқ хўжалик ўсимликларини етиштириш учун қулай, шунингдек иссиқлик ва электр энергиясини тежаш имконини берувчи табиий иқлим шароит;
- туризм ва тадбиркорликнинг турдош хилларини ривожлантириш имконини яратувчи бутун оламга донғи кетган бой маданий ва тарихий мерос;
- юқори малака билан бирга нисбатан арzon ишчи кучи;
- салмоқли илмий салоҳият ва амалий тадқиқотларнинг юқори даражаси;
- ривожланган инфратузилма ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдоси

млн. доллар

Кўрсаткичлар	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.
Ташқи савдо айланмаси	28093,3	24924,2	24332,2	26905,9
экспорт	14109,0	12507,6	12094,6	12893,5
импорт	13984,3	12416,6	12137,6	14012,4
МДХ мамлакатлари билан	12412,8	9548,9	8388,1	9200,9
экспорт	7092,7	5230,3	4338,3	4196,3
импорт	5320,1	4318,6	4049,8	5004,5
бошқа мамлакатлар билан	15680,5	15375,3	15844,1	17705,0
экспорт	7016,3	7277,3	7756,3	8697,2
импорт	8664,4	8098,0	8087,8	9007,9

Ўзбекистон Республикасининг экспорт таркиби фоиз хисобида

Кўрсаткичлар	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.
Пахта толаси	7,7	5,9	5,3	3,7
Кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар	4,7	4,9	6,9	6,9
Қора ва рангли металлар	7,2	6,6	5,9	7,1
Машина ва асбоб-ускуналар	4,0	1,3	1,8	2,8
Озиқ-овқат маҳсулотлари	12,4	10,5	5,7	6,8
Энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари	23,0	21,4	14,2	14,9
Хизматлар	22,4	24,5	25,8	19,4
Бошқалар	18,6	24,9	34,4	38,5

Ўзбекистон Республикасининг импорт таркиби фоиз ҳисобида

Кўрсаткичлар	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.
Озиқ-овқат маҳсулотлари	10,8	12,8	11,9	9,1
Кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар	15,9	17,0	17,5	16,4
Қора ва рангли металлар	8,0	7,4	7,6	9,1
Машина ва асбоб-ускуналар	39,5	40,5	41,3	36,1
Энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари	6,2	5,8	4,8	5,3
Хизматлар	8,0	7,7	6,7	14,1
Бошқалар	11,6	8,8	10,2	11,0

МДҲ мамлакатларининг республика ташқи савдосидаги улуши фоизда

Кўрсаткичлар	Экспорт			Импорт			Ўзгариш, +; -	
	2015	2016	2017	2015	2016	2017	экспорт	импорт
Азербайжан	0,5	0,4	0,7	0,3	0,1	0,1	0,2	-0,2
Арманистон	0	0	0	0	0	0	0	0
Белоруссия	0,4	0,4	0,7	2,1	2,3	3,1	0,3	1,0
Қозоғистон	35,4	21,8	25,5	19,6	23,6	19,9	-19,9	0,3
Қирғизистон	1,9	2,8	4,3	0,8	1,1	1,5	2,4	0,7
Молдова	0,2	0,2	0,2	0,2	0,2	0,2	-	-
Россия	34,8	41,4	50,5	61,0	59,2	54,1	15,7	-5,9
Тожикистон	3,1	3,8	4,4	0,2	0,8	1,0	1,3	0,8
Туркманистон	2,0	1,8	1,7	5,0	3,2	2,2	-0,3	2,8
Украина	1,3	1,2	2,5	6,2	5,0	3,7	1,2	2,5

**Айрим хорижий мамлакатларнинг республика ташки савдосидаги
улуши, фоизда**

Кўрсаткичлар	Экспорт			Импорт			Ўзгариш, +; -	
	2015	2016	2017	2015	2016	2017	экспорт	импорт
Афғонистон	6,1	6,7	7,1	0	0	0	1,0	-
Бангладеш	1,8	1,1	0,6	0,2	0,2	0,1	-1,2	-0,1
Буюк Британия	0,7	0,6	0,6	1,0	1,8	1,3	-0,1	0,3
Германия	0,5	0,5	0,4	6,0	6,1	6,5	-0,1	0,5
Италия	0,2	0,4	0,3	1,9	2,0	1,7	0,1	-0,2
Хитой	34,0	25,8	25,9	27,9	27,9	30,3	-8,1	2,4
Корея	2,4	2,6	1,6	19,3	10,7	14,6	-0,8	-4,7
Эрон	4,4	4,5	3,1	0,7	0,7	0,6	-1,3	-0,1
АҚШ	0,4	0,7	0,4	3,0	5,1	2,0	-	-1,0
Турция	10,9	8,8	10,1	5,1	6,0	7,5	-0,8	2,4
Франция	2,1	1,5	1,7	1,9	1,8	1,2	-0,4	-0,7
Швейцария	0,2	0,3	0,1	1,1	1,9	1,6	-0,1	0,5
Япония	0,1	0,2	0,2	3,0	3,1	1,7	0,1	-1,3

2. Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш концепцияси

Ўзбекистонда экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида имтиёзлар берилган бўлиб, уларнинг айримлари қўйдагилардан иборат:

- субъект ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни эркин алмаштириладиган валютага сотадиган бўлса, унга аккредитивсиз экспорт қилиш ҳуқуқи берилади;
- товар экспорти ички бозор баҳосидан паст баҳода амалга оширилганда солиққа тортиш сотиладиган баҳо бўйича амалга оширилади;
- экспортга чиқарилаётган товарларнинг ҳажми умумий сотиш ҳажмининг 30 фоизини ёки ундан ортиғини ташкил қиласа, даромад солиғининг миқдори икки марта гача қисқартирилади;
- МДҲга маҳсулот экспорт қиладиган субъектлар 1998 йил 1 январдан бошлаб акциз солиғи ва қўшимча қиймат солиғидан озод қилинадилар;
- мулкчилик шаклидан қатъий назар, барча ишлаб чиқариш субъектлари чет давлатларда ўзларининг уйларини, ваколатхоналарини очишлари мумкин. Шу билан бирга, уларга консигнация шартлари асосида товар етказиб беришларига рухсат берилади.

Ташқи савдо айланмасининг товар ва географик таркибини такомиллаштириш орқали рақобатбардошликни ошириш

Хом ашё экспортини қисқартириб, қўшилган қиймат ҳиссаси юқори бўлган тайёр маҳсулотлар экспортини кўпайтириш

Ташқи савдога хизмат қилувчи инфратузилмани янада ривожлантириш

Иқтисодиётнинг тармоқ таркибини такомиллаштириш

Маҳсулот таннархини пасайтириш орқали уларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш

Иқтисодиётни техник-технологик қайта қуроллантириш асосида тайёрланаётган маҳсулотлар сифатини яхшилаш

Янги маҳсулотларни жаҳон бозорига олиб чиқиш

Жаҳон бозорларида корхоналаримиз маҳсулотларининг рақобатбардошлигини таъминлашда қуидаги чоратадбирларнинг амалга оширилиши мухим аҳамият касб этади:

- экспорт қилувчи корхоналарга маҳсулот тайёрлаш ва сотиш харажатларини камайтиришда кўмаклашиш;
- уларни ташки бозор конъюнктурасидаги ўзгаришлар, истиқболли бозорлар, рақобатчилар тўғрисида олиб борилган тадқиқотлар натижалари билан таништириш;
- транспорт-коммуникация тизимларини ривожлантириш;
- янги транспорт йўлакларини очиш орқали транспорт харажатларини камайтириш ва ҳ.к.

3. Миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб килишни такомиллаштириш йўллари

“НАВОЙЙ” ВА “АНГРЕН” ЭРКИН ИНДУСТРИАЛ-ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАРИ ФАОЛИЯТ НАТИЖАЛАРИ

1	• “Навоий” ЭИИЗ ташкил этилганидан буён қурилиб, фойдаланишга топширилган корхоналар сони	19 та
2	• 2014 йилда улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми	90 млрд. сўмдан ортиқ
3	• “Ангрен” маҳсус индустрисал зонаси ҳудудида амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари	186,0 млн. долларлик 15 та
4	• Амалга ошириш масалалари кўриб чиқилаётган ва зарур ҳужжатлар тайёрланаётган рентабелли лойиҳалар	245 млн. долларлик 22 та

«Навоий» ЭИЗ: Ташкил этиш концепцияси



◆ «Навоий» ЭИЗ 2008 йил 2
декабрда, Ўзбекистон
Республикаси Президентининг
Фармонига биноан тузилган

Электрон и электротехник буюмлар

Аниқ машинасозлик ва автомобиль эҳтиёт қисмлари

Фармацевтика и тиббиёт маҳсулотлари

Пластмасса ва полимер буюмлар

Озиқ-овқат ва қадоқлаш

«Навоий» ЭИЗ: жойлашиши



Майдони – 564 Га

Ишлаб чикириш учун
ажратилган майдон - 350 Га


Масофа:

- Аэропортгача – 1 км
- KAL комплексигача – 2 км
- Самарқандгача – 120 км
- Бухорогача – 95 км



“Ангрен” эркин индустриал зонаси

«Ангрен» эркин индустриал зонаси
Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2012 йил 13 апрелдаги
Фармонига биноан ташкил этилган.




Ўзбекистоннинг йирик шаҳарларигача
бўлган масофалар:

Тошкент – 80 км,

Фарғона – 240 км,

Самарқанд – 420 км



Умумий майдон (1 этап) – 387 га

2013 йилнинг марта ойида Жиззах вилоятида «Жиззах» махсус индустриал зонаси ташкил этилган.

«ЖИЗЗАХ» МАХСУС ИНДУСТРИАЛ ЗОНАСИ

Жиззах вилояти



Республиканинг йирик шаҳарлариғача бўлган масофа:

• Ташкент – 203 км

• Самарқанд – 80 км

«Жиззах» МИЗнинг умумий майдони - **524,0 га**:

Жиззах шаҳрида – **416,0 га** ва Сирдарё туманидаги филиали – **108,0 га**

Бугунги кунда «Жиззах» махсус индустриал зонаси ҳудудида транспорт, ишлаб чиқариш ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш бўйича фаол ишлар олиб борилмоқда.



www.navoi.biz



Ўтган йилнинг ўзида мазкур зона ҳудудида Хитой компаниялари иштирокида 100 минг дона мобиль телефон ишлаб чиқариш, шунингдек, чорва маҳсулотларини қайта ишлаш ва озуқа тайёrlаш бўйича умумий қиймати қарийб 6 миллион доллар бўлган дастлабки 3 та лойиҳа амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 октябрдаги «Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4853-сонли Фармонига мувофиқ, ушбу зоналар иштирокчилари қўйидагилардан:

- ер солиғи, даромад солиғи, юридик шахслар мулк солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, микро фирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солик тўлови, шунингдек, Республика йўл жамғармаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмаларидан;

- ўзининг ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб келинадиган ускуналар, хом ашё, материал ва бутловчи буюмлар, шунингдек, мамлакатимизда ишлаб чиқарилмайдиган ва лойиҳаларни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича олиб келинадиган қурилиш материаллари учун божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этилди.

Қайд этилган божхона имтиёзлари қўлланган ҳолда олиб келинган ускуналар, хом ашё, материал ва бутловчи буюмлар сотилган ёки беғараз берилган ҳолларда, улар олиб келинган пайтдан бошлаб уч йил давомида божхона тўловлари қонунчиликда белгиланган тартибда тўлиқ ҳажмда ундирилади.

Фармоннинг 3-бандида кўзда тутилган имтиёзлар киритилган инвестициялар ҳажмига қараб 3 йилдан 10 йил муддатгача, жумладан:

- 300 минг АҚШ долларидан 3 миллион АҚШ долларигача ҳажмдаги инвестициялар - 3 йил муддатга;
- 3 миллион АҚШ долларидан 5 миллион АҚШ долларигача ҳажмдаги инвестициялар - 5 йил муддатга;
- 5 миллион АҚШ долларидан 10 миллион АҚШ долларигача ҳажмдаги инвестициялар - 7 йил муддатга;
- 10 миллион ва ундан кўп АҚШ доллари ҳажмидаги инвестициялар сўнгги 5 йилда амалдаги ставкалардан 50 фоиз кам ҳажмдаги даромад солиғи ва ягона солик тўлови ставкалари кўлланган ҳолда - 10 йил муддатга берилади.